



O'ZBEKISTON OVOZI

2016-yil, 8-noyabr. Seshanba • 133 (32.192)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

«Хар бир инсон учун муносиб иш ўрни!», «Хар бир инсон учун муносиб иш ҳақи!» ғояларининг тарафдори бўлсангиз, Президент сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!



Хатамжон Кетмоновнинг фарғоналик сайловчилар билан учрашувидан лавҳа.

САЙЛОВЧИЛАР НОМЗОДИМИЗ ДАСТУРИНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов андижонлик
ва фарғоналик сайловчилар билан учрашди

Андижон вилоятида бўлиб ўтган учрашувда номзод дастурида белгиланган муҳим ҳаётий масалалар қизгин муҳокама қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган учрашув аввалида Президент сайловининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди. Юртимизда мустақиллик йилларида фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун дунёда эътироф этилган меъёрларга мувофиқ сайлов тизими шакллантирилгани таъкидланди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов сайловчиларни Хатамжон Кетмоновнинг таржиман ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастурининг асосий

йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Дастурда аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлиқни таъминлаш тизимини замонавий усуллари жорий қилиш орқали доимий тақомиллаштириб бориш каби устувор йўналишларга кенг ўрин берилган.

Номзод ушбу мақсадда ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, буни учун ҳар

йили қабул қилинадиган аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида янгича ёндашувларга ўтиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаш, корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасига бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш

бўйича таклифларни илгари сурмоқда.

Дастурда кичик бизнес, уй меҳнати, қасаначилик ва онлайн тадбиркорлиқни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самардорлигини ошириш, меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланиши учун янада мақбул шартлар яратиш лозимлиги қайд этилган.

► Давоми 2-бетда.



ҚАРОР ВА ИЖРО

АМНИСТИЯ — АДАШГАНЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ЎН БИР БАНДДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, УНДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҲАМДА ЎТАЛМАГАН ЖАЗО МУДДАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ ТОМОНИДАН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА БОШҚА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

МУҲИМ ТАДБИРГА ПУХТА ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё сайлов округида ташкил этилган 271 сайлов участкасининг барчасида ушбу муҳим сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўриломоқда.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мустақкам миллий сайлов қонунчилиги яратилгани фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини демократик тамойилларга мос тарзда эмин-эркин ифода этиши, конституциявий ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Участка сайлов комиссияси аъзолари ишини самарали ташкил этиш ва сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида участка марказлари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари,

давлат корхоналари ва жамоат ташкилотларининг замонавий биноларида жойлаштирилган.

Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 67 фоизи аввал ҳам ушбу сиёсий тадбирда комиссия таркибиде фаолият юритган ва муайян амалий тажрибага эга, — дейди 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси С.Қудратов. — Вилоятда 529 минг 810 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 15 мингдан ортиги биринчи марта овоз берадиган ёшлардир. Хар бир участкада сайловчилар учун барча шартлар яратилмоқда. Сайлов участкалари давлат рамазлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мебель, овоз бериш кабиналари ва зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Сайлов қонунчилигига оид маълумотлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбурият-

лари тўғрисидаги тарғибот-ташвиқот воситалари кўринарли жойларга осиб қўйилган.

Гулистон шаҳридаги 6-сайлов участкаси «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 6-умумтаълим мактаби биносида жойлашган. Маҳаллада 2 минг 200 дан зиёд сайловчи бўлиб, уларнинг 20 нафари ушбу муҳим сиёсий тадбирда биринчи марта иштирок этади. Мебель, замонавий алоқа, ёритиш ва иситиш воситалари, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа зарур материаллар билан жиҳозланган участкада сайловолди тайёргарлик ишлари миллий қонунчилигимиз ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган тадбирлар режаси асосида олиб бориломоқда.

А.ҚАЙУМОВ,
ЎЗА мухбири.

САЙЛОВ — 2016

Жорий йил 4 декабрь куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Хоразм вилоятидаги 30 мингдан зиёд ёш биринчи марта овоз беради.

МЕН БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН

Хоразм вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида сайловларда илк бор қатнашадиган ёшлар иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда. «Бугун ўқувчи — эртага сайловчи», «Сенинг овозинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга», «Мен биринчи марта овоз бераман!» шioriлари остидаги тарқатма материаллар, жойларда ўрнатилган тарғибот баннерлари ёшларни сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш бораберида уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда Биринчи Президентимиз раҳнамолигида яратилган миллий сайлов тизими, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва сўнгги йилларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида атрофича маълумот берилмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу сиёсий тадбирда Хоразм туманидаги Тупроққалъа хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Бахтжон Олимбоев ҳам илк марта қатнашди.

— Мен яқинда ўн саккиз ёшга тўлдим. Сайлов куни ўз конституциявий ҳуқуқимдан тўлиқ фойдаланаман, — дейди Б.Олимбоев. — Коллежимизда ўтказиладиган тарғибот тадбирларида иштирок этаётган тажрибали мутахассисларнинг маълумотларидан сайлов борасидаги ҳуқуқий билимимизни оширишмоқдамиз. Сайлов куни ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЯНА БИР «ОРЗУ ЛАЙНЕРИ» — ЎЗБЕКИСТОНДА!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан харид қилинган иккинчи «Boeing-787-8 Dreamliner» самолёти 5 ноябрь кун «Тошкент» халқаро аэропортига келиб қўнди.

Бугун жаҳонда «Орзу лайнери» номи билан машҳур бўлган янги самолёт олис Сиятдан Тошкентга 12 соатга яқин узлуксиз парвозни муваффақиятли амалга оширди. Замонавий технологиялар асосида яратилган ҳаво кемаси юқори самарадорликка эга, парвоз чоғида экипаж аъзолари ва йўловчилар асло толиқмайди. Ёқилги сарфи аввалгидек самолётларига нисбатан 10 фоизга кам. Ушбу масофанинг узайтирилгани эса ҳаво кемасидан олис халқро йўналишларда фойдаланиш имкониятини яратди.

Хабарингиз бор, дастлабки «Boeing-787-8 Dreamliner» жорий йилнинг 31 августидан олинган эди. Ҳаво кемасидан фойдаланиш 5 сентябрдан бошланиб, илк халқаро йўналишдаги парвоз 9 сентябрда Олмаота шаҳрига амалга оширилди. Бугунги кунда миллий авиакомпаниямиз томонидан ушбу русумдаги самолёт қўллаб халқро йўналишларда кенг фойдаланилмоқда.

Навбатдаги «Орзу лайнери»нинг келтирилиши билан авиакомпаниямизнинг бошқа олис йўналишлардаги қатновлари ҳам кенгайди. Чунончи, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»



миллий авиакомпанияси Бош директори Валерий Тяннинг маълум қилишича, келаси йилнинг ёзидан бошлаб, ўзбек учувчилари Тошкентдан тўғридан-тўғри Нью-Йоркга парвозлари амалга оширишга киришади.

Айтиш керакки, яқинда «Боинг» корпорацияси президенти жаноб Р. Коннернинг мамлакатимизга ташрифи чоғида яна учта янги «Орзу лайнери»ни сотиб олишга келишилган. Миллий авиакомпаниямизнинг дастлабки иккита шу русумдаги самолётлари 787-8 модификациясига мансуб бўлса, кейингилари ўриндиқлар сони қўйайтирилган ва умумий ўлчами узайтирилган 787-9 модификациясида бўлади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗНИНГ НОМЗОДГА
ОВОЗ БЕРИНГ!

■ Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш,
турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарты бандликни
таъминлашдир.

САЙЛОВЧИЛАР НОМЗОДИМИЗ ДАСТУРИНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов андижонлик ва фарғоналик сайловчилар билан учрашди

Шунингдек, Президентликка номзод аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш, шу орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш тарафдори эканини қайд этди.

Илбосбек ЙҮЛДОШЕВ,
Андижон туман тиббиёт
бирлашмасининг бош шифокори:

— Номзоднинг дастурида аҳоли соғлиғини сақлашга доир муҳим масалалар қамраб олинган. Тиббий хизмат кўрсатишни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, айниқса, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан таъминлаш долзарб масалалардир. Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, номзод дастурида илгари сурган ғоялар тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришда, фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Зухра ОХУНОВА,
Андижон давлат университети
магистранти, ЎзХДП фаоли:

— Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурида ёшлар тақдирини учун масъулият ва ғамхўрлик ғоялари мужассамлашган. Бизнинг етук мутахассис бўлишимиз, касб-хунар эгаллашимиз учун қўлай шaroитлар яратиш масалаларига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Чунки ёшлар олий ўқув юртилари, касб-хунар коллежларини битирганидан кейин муҳим иш жойига эга бўлиши уларнинг кейинги тақдирини муҳим ўрин тутаяди.

Имомназар ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси Бўз туман бўлими раиси:

— Дастурда кексаларнинг манфаатларига ҳам эътибор берилганидан мамнунман. Боиси, ҳаёт ҳикматлари мағзини чаққан, оқил оқсоқоллар, маърифатли онахонлар ўғил-қизлари, набиралари, умуман, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, эзгуликка садоқат руҳида тарбияладилар. Номзод дастурида ана шулар инобатга олингани унинг қанчалик ҳаётий эканини кўрсатиб турибди.

Барно СОЛИЕВА,
ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши сектор мудири:

— Президентликка номзоднинг дастури партияимиз максадлари билан бевосита уйғундир. Айниқса, дастурда илгари сурилган хотин-қизларга алоҳида эътибор кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш сингари аниқ тақлифлар партия электорати манфаатлари ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун жойлардаги тадбирлар ва учрашувларда хотин-қизлар, опа-сингилларимиз номзод дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Учрашувда сўзга чиққанлар сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Президентликка номзод сайловчиларнинг муҳим ижтимоий масалалар ҳақидаги саволларига атрофлича жавоб берди.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Сўзлашган муаллифлари: Хурсандбек АРИБОВ ва Мунижон КОДИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмоновнинг фарғоналик сайловчилар билан учрашувида ҳам қўллаб-қувватлаш билдирилди.

Видеоконференцалоқа шаклида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги сайловчиларни қамраб олган учрашув Риштон туманида бўлиб ўтди. Вилоят партия кенгаши раиси, номзоднинг ишончли вакили Дилбар Мамаджанова йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг тарғиби хўли билан таништирди.

Шундан кейин Президентликка номзодга сўз берилди. Номзод дастлаб сайловда халқимиз, жумладан, бутун Фарғона аҳли Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик-жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир марта намойён этишига катта ишонч билдирди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар Фарғона вилоятида ҳам тўла маънода ўз ифодасини топганини таъкидлади.

— «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Фарғонаазот», «Кувасой цемент», «Кувасой шифер», «Кварц» акциядорлик жамиятлари, «Фарғона кимё заводи» каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди, — деди Хатамжон Кетмонов. — Бугун Маргилон атлас ва адраслари, Кува анорлари, Олтиариқнинг бодринг, турп ва бошқа маҳсулотлари мамлакатимиз бозорларида машхурдир. Энг муҳими, фарғоналиклар азалдан меҳнатга ижодкорона ёндашади. Шу боисдан эл-юртимиз ҳурмат-эҳтироми ва эътирофига сазовор бўлган инсонлар вилоятда кўпчиликти ташкил этади. Улар орасида Комилжон Мамажонов (марҳум), Манзура Мадалиева, Улугбек Умаров, Юрсинбой Жўраев, Ботир Темиров, Абдуғана Абдуллаев, Патила Эргашева каби «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлган фидойи инсонлар борлиги барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бундай халқ ўз она юртининг келажагига дахлдор ҳар бир ишга жонқуярлик ва катта масъулият билан муносабатда бўлиши табиий.

Номзод ўз Сайловолди дастури билан йиғилганларни таништирар экан, унда, аввало, Конституциямизга қатъий амал қилиниши, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқароларо ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорлиқни сақлашдек эзгу максадлар мужассамлигини тилга олди.

— Партияимизнинг энг асосий ғояси — аҳолининг давлат ва

жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, — деб таъкидлади Президентликка номзод. — Бу мақсадни самарали амалга ошириш учун катор ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарты — бандликни таъминлашдир. Бунинг учун, аввало, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўрни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, деб биламиз.



Ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизimini шакллантириш, шулар билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ижтимоий ва коммунал хизматларнинг сифатини ва аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари учун мақбулликни таъминлаш тарафдоримиз.

Хатамжон Кетмонов ёшларни иш билан таъминлаш энг муҳим масала эканини алоҳида таъкидлади. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўзини ўзи мустақил иш билан таъминлаш ҳамда яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шарoитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш масаласи муҳимдир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, йирик корхона

лар томонидан мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 44 фоизи ишлаб чиқилиб, улардан 89,8 фоиз солиқ ва тўловлар ундирилса-да, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,1 фоизни ташкил этиб, солиқ ва тўловлари атига 10,2 фоизни ташкил этмоқда. Кичик корхоналар томонидан ишчиларга тўланадиган ўртача иш ҳақи эса йирик корхоналар тўлаётганидан 2 бараваргача пастдир.

— Ҳозирги солиқлар ва имтиёзлар тизими кичик корхоналарнинг йириклашишига ҳалақит қилмоқда, — дейди номзод. — Маъмур масалаларни тартибга солишда даставвал соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусан, кичик корхоналар йириклашиш жараёнида қатта солиқ юкчасига тушиб

лим олиш ва ўқув муассасаларини битирган, албатта биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий мақбул шарoитларни яратиш долзарб масаладир. Мен номзодимизнинг бу борадаги тақлифларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман, — деди у.

— Маълумки, уй-жой муаммоси ҳар бир давлат ва ҳар бир жамиятнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки инсон сувга, озиқ-овқатга ва кийим-кечакка доимо эҳтиёж сезгандек, турар-жойга ҳам худди шундай эҳтиёж сезади, — деди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати, тадбиркор Дилшод Омонов. — Номзоднинг уй-жойларнинг ижтимоий мақбулликни таъминлаш мақсадида давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинандиган маблағларнинг бир қисmini турар-жой фондини шакллантиришга йўналтириш ҳақидаги фикрлари ғоят долзарб, деб ҳисоблайман.

ЎзХДП Данғара туман кенгаши раиси Зиёдаҳон Ҳамралиева Номзоднинг дастурида суд-ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида белгиланган ваъдалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритадиган кичик корхоналарни ташкил этиш, шу орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш жараёни янада фаоллаштиришга қаратилган мақсадлар хунарманд ва тадбиркор одамларимиз учун аини муддао, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Риштон туманидаги «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилоромхон Назирова. — Мисол тариқасида айтидиган бўлсам, риштонликлар кулолчилик билан дунёга донг таратган. Улар томонидан яратилаётган маҳсулотлар сифати, табиийлиги, экологик тозалиги билан ажралиб туради. Номзодимиз дастурида белгиланганидек, маҳаллий хомаш ва материалларни қайта ишлаш корхоналари молиявий, иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилса, имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш орқали юқори технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этилса, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Сўзга чиққанлар иштирокчиларни Президентликка номзод — Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтган учрашувда 4,5 минг нафардан зиёд сайловчи қамраб олинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ — 2016

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловини ёритиш
бўйича Республика матбуот
марказида «Маҳалла» хайрия
жамоат фонди республика
бошқаруви томонидан Марказий
сайлов комиссияси, Адлия
вазирлиги ва бошқа мутасадди
ташкilotлар билан ҳамкор-
ликда семинар ўтказилди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, «Маҳалла» фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганини қайд этишди.

Маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётгани, шунингдек, уларнинг фаол иштирокида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати олиб борилаётгани эътироф этилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказилган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда кенг тушултириш ишлари олиб борилаётгани айтиб ўтилди.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичларидан сайловчилар хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса сайлов турғисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этилиши ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларини кафолатлайди.

Президент сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан, аҳолининг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, фуқароларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда «Мен шахсан ўзим овоз бераман», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эга», «Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?» каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов турғисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ва аҳамияти, устаска сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш даврида тарғибот тадбирларини аҳоли ўртасида, оилаларда изчил давом эттириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси А.Арипов иштирок этди ҳамда сўзга чиқди.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Мақсадимиз — халқимиз турмуш
даражасини янада ошириш»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ИШ ҲАҚИ!

Ҳикматлар

ИХЛОС — ХАЛОС

«Ихлос — халос»; «Ихлос қилсанг, чўпдан топарсан» (чўп — ўт, гиёҳ, «Ихлос қилсанг, чўпдан ҳам даво топасан», демуқчи). Ихлос — қатъий ишонч, бир нарсага бутун вужуди билан берилиш, демакдир. Кўп асрлик таърифага таянган халқ таъбаоти беморларнинг шифокорларга ва дори-дармонларга қаттиқ ишониши, ихлос қўйишини катта аҳамиятга эга деб билган. Буни илмий таъбаот ҳам тасдиқлайди. Масалан, биринчи рус тиббиётчи профессори М.Мудров (1772-1881) шундай деган эди: «Агар касал киши билан ҳамсухбат бўлиб, дори-дармоннинг фойдали томонлари тушунтирилса, у дориға ихлос қўяди, руҳи тетик бўлади, дорини ихлос билан ичади. Бинобарин, касалда ҳосил бўлган ишонч, тетиклик ва умид дори кучидан афзал бўлади».

Халқимиз ўртасида бир ривоят ҳам юрадики, унинг мазмунига кўра, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино бир беморда ўзига ва дори-дармонга ихлос уйғотиб, «шунга ичанг, соғайиб кетасан» деб, бир пиёла сув берган, бемор шундан ўмирданиб, «дори» (суви)ни ихлос билан ичиб, тузалиб кетган экан.

ИШ БОР ЕРДА — ХАТО БОР

Бу мақол билан ишда бирор хато қилиб қўйиб, афсусланидиган, қўноб, ич-этини ейдиган, хижолат тортадиган одамга: «Қўйинг, кўп хафа бўлаверманг, иш бўлгандан кейин бирор арзимаган хатоси, камчилиги ҳам бўлади-да, тузалиб қолар ё тузатарсиз. Шунга ҳам шунча қўноқасизми?! Иш қилмаган одамгина хато қилмайди», деб тасалли берадилар, шунингдек, ишда бирор хатога йўл қўйган одамни бирор ҳадеб қийинверса, айбдорнинг ёнини олганларида бу мақолни қўлайдилар.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ!

«КИТОБ ОЛАМИ» СИЗГА ВА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА МУНТАЗИР

Ўтган йили Тошкент шаҳрида «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуаси иш бошлаган эди. Нисбатан қисқа муддат ичида ушбу зий маскани китобхонларнинг сеvimли даргоҳига айланди.

«Китоб олами» дўконига кириш олдидаги витринага улкан монитор жойлаштирилган бўлиб, унда янги асарлар номи ва улардан парчалар намоиш этиб борилади. Фойедаги тўртта реклама экрани, шунингдек, махсус наشرлар жойлаштирилган витриналар қайси жойда қандай китоблар мавжудлигини кўрсатади.

Дўкон тўрт бўлим — ўзбек, рус, чет эл ва болалар адабиёти бўлимларидан ташкил топган. Биринчи қаватдаги катта залнинг 21 шўъбасидан тарихий романлар, замонавий детектив, таълим наشرлари, бизнес мавзусидаги китоблар ҳамда машҳур чет эл адабларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари ўрин олган.

Мажмуада болалар учун алоҳида зал ташкил этилган бўлиб, китобларнинг асосий қисми ўзбек тилида. Болалар адабиёти бўлими ўзига хос жиҳозлангани ва безатилгани, адабиётларнинг хилма-хиллиги билан харидор эътиборини ўзига тартади. Китоб тоқчаларида халқ эртаклари, хам, ака-ука Гримм ва Пушкиннинг эртаклари ҳам топиш мумкин. Ранг-баранг китоблар, юмшоқ ўйинчоқлар улар хизматида.

Китоб залида дисклар ва электрон адабиётлар учун алоҳида стол ташкил қилинган. Бу ерда нафақат китоб сотиб олиш, китоб мутолаа қилиш, мўъжаз, шинам барда ширинлик ва турли шарбатлар истеъмол қилиш учун шароит яратилган.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Инсон тафаккури шу қадар беқиёски, уни ҳеч қачон чегаралаб бўлмайди. Китоб ҳам аслида ана шундай мўъжиза, кўнгиллар қувончи, юраклар эҳромидир.

Дўконда, шунингдек, мумтоз адабиёт, чет эл адабиёти, шеърят бурчаги, қомуслар қатори, болалар адабиёти каби ихтисослашган бўлимлар бор. Бундан ташқари, илмий-оммабоп ва амалий адабиёт бўлимида саёхатномалар, ошпазлик, тарбия, саломатлик, бодорчилик ҳақида адабиёт ва

қўлланмаларни топиш мумкин. «Китоб олами» Ўзбекистоннинг 110 нашриёти ва Россиянинг «Олма Медиа Групп» ҳамда «Экспо» нашрилик уйлари билан ҳамкорлик қилади. Чет эл ҳамкорларидан китоблар ҳар чоракда бир марта, Ўзбекистондаги нашриётлардан эса деярли ҳар кун келиб туради.

Мен «Китоб олами»га фарзандларимни, невараларимни ҳам олиб келаман. Чунки бу ерда кўнглим ёришади, қахва ичиб, китоб мутолаа қилиб, ҳордиқ чиқараман, — дейди болалар шоири Дилшод Ражаб. — Инсон тафаккури шу қадар беқиёски, уни ҳеч қачон чегаралаб бўлмайди. Китоб ҳам аслида ана шундай мўъжиза, кўнгиллар қувончи, юраклар эҳромидир. Китоб ўқиб, унинг мазмунини қақшдан кўра, роҳатбахш иш борми дунёда...

Қўшимча қилиб шунга айтиш

мумкин, дўконда доимий харидорлар учун чегирмалар ва дисконт-карталар тизими жорий этилган. Бундан ташқари, бу ерда ташкил этилган «Бахтли харидор» акциясига кўра, дўкондаги баъзи китобларнинг ичида омадлий штрих-код яширинган бўлади, бу штрих-код эгасига айланган харидор ютуқли лотереяда иштирок этиши мумкин.

У ёки бу китобни излашни осонлаштириш мақсадида «Китоб олами»га тез орада махсус планшетлар жойлаштирилади, шунингдек, муштарийлар китобларни kitobolami.uz сайти орқали сотиб олиши ҳам мумкин. Дўконда даврий босма наشرлар бўлимини очиб ҳамда ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, тақдиротлар ўтказиш режалаштирилган.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти

2016 йил 15 декабрь куни очиқ аукцион
савдоларини ўтказида

Савдоларга Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-даха, Саноат ҳудудида жойлашган «Чинобод нефть база» УҚСИ автоҳўжалигининг 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/6777JBA, бошланғич нархи 19630444 сўм бўлган «Хондай Соната» русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/017 FBA, бошланғич нархи 20212421 сўм бўлган «Ниссан Х-Трейл» русумли, давлат рақами 01/401 LBA, бошланғич нархи 19724606 сўм бўлган «Ниссан Алтима» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхта-тилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдориди закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000049328-33001 ҳисоб рақамига тўланади.

Маъмур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш ўлчови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юқулатилади. Талабдорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат

тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлар ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кундаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анхор бўйи кўчаси, 18-уй. Алоқа телефони: (+998 95) 143-69-97. Электрон почта: tkos@mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказининг 2007 й. и/ч, д/р 01/384 KEA бўлган «Нексия» — 14 200 000 сўмга ва «О'зипрексалога» масъулияти чекланган жамияти балансидаги 2003 й. и/ч, д/р 01/360 ABA бўлган «Нексия» — 18 100 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Saidahmad RAHIMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9848
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:35
Topshirilgan vaqti — 21:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI